

4-12-2019

Iskhaqhan Ibrat: new materials

N. Karimov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Karimov, N. (2019) "Iskhaqhan Ibrat: new materials," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 11.

DOI: 93/99(093)

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss1/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 93/99(093)

ИСҲОҚҲОН ИБРАТ: ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР
ISKHAQHON IBRAT: NEW MATERIALS
ИСХАҚДҲАН ИБРАТ: НОВЫЕ ДАННЫЕ

Н.Каримов

Аннотация

Мақолада Исҳоқхон Ибрат ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотлар берилган. Унинг қамоққа олиниши билан боғлиқ архив материалларига оидликлар киритилган.

Аннотация

В статье приводятся новые материалы и данные о жизни и деятельности Исхақхана Ибрата. Внесены уточнения в архивные материалы, связанные с арестом поэта.

Annotation

In this article new materials and information about life and creative works of Ishaqhon Ibrat are given. Also it has been introduced clarification into archives concerned with arrest of poet.

Таянч сўз ва иборалар: *миллий уйғониш, маърифатпарварлик ҳаракати, серқирра ижодкор, эрк ва озодлик, адабий мерос, ноёб манба.*

Ключевые слова и выражения: *национальное возрождение, просветительское движение, многогранный поэт, вольность и свобода, творческое наследие, уникальный источник.*

Key words and expressions: *national renaissance, enlightenment movement, freedom and liberty, creative abilities, unique sources broad-sphered poet.*

XIX аср охири – XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон худудида шундай улуғ сиймолар етишиб чиқдиларки, улар ҳаёти, маърифатпарварлик, адабий ва ижтимоий фаолиятини ўрганганимиз сайин шу даврнинг том маънода миллий уйғониш даври бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Элбек, Ғулом Зафарий, Тавалло, Бухорода Фитрат, Садриддин Айний, Муса Саиджонов, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шақурий, Сайид Ризо Ализода, Фарғона водийсида Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Иброҳим Даврон, Чўлпон, Ашуралӣ Зоҳирӣ каби маърифат ва адабиёт даргаларининг айнан шу тарихий даврда майдонга чиқиши мустамлакачилик, жаҳолат ва нодонлик шароитида яшаётган жамият тафакқурини ўзгартириб юборди. Улар олға сурган маърифатпарварлик, эрк ва ҳуррият ғоялари ҳар қандай тўсиқ ва қаршиликларни енгиб, халқ ичига кириб борди ва уни 1916 йилда миллий озодлик учун кураш марраларига олиб чиқди.

Туркистондаги миллий уйғониш ва маърифатпарварлик ҳаракатига салмоқли ҳисса қўшган кишилардан бири Исҳоқхон Ибратдир.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бери Исҳоқхон Ибрат ва унинг маърифий-ижтимоий фаолияти ҳақида 100 га яқин мақола ва рисоалар эълон қилинган; “Танланган асарлар”и нашр этилган. Лекин Ибрат яшаган тарихий-маданий даврга оид манбаларда, айниқса, давлат архивларида улуғ ватандошимиз ҳаёти ва фаолиятини ёрита оладиган янги маълумотларни йўқ, деб бўлмайди. Масалан, Ибрат 1913 йили Қўқонга,

Иброҳим Давроннинг уйига меҳмон бўлиб келганида, академик Азиз Қажумовнинг падари бузруквори Пўлотжон домла у билан учрашиш ва суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган. Пўлотжон домла “Тазкираи Қайюмий” (1998) рисоласида шу суҳбатдан олган таассуротлари асосида Ибрат ҳақида қуйидаги маълумотни берган:

“Бу киши Тўрақўрғон қасабасидан бўлиб, 1876 мелодийда шул Тўрақўрғонда тўралар оиласинда дунёга келмишдир. Исми Исҳоқхон бўлуб, Жунайдуллохон тўранинг ўғлидур. Умархон даврида бўлмиш машҳур шоир “Афсус”нинг набирасидур. Мадрасада илм таҳсил этмиш олим бўлуб, узоқ вақт Тўрақўрғонда қози бўлиб турган ва русча, форсча тилдан ҳам бир оз хабардор мунаввар ул-фикр, тараққийпарвар, ислохотчи киши бўлуб, Оврупо маданиятидан анча баҳравар киши эди. Ҳаж этиш учун Ҳижозга борган ва Ҳиндистонни саёҳат этмиш ва ҳинд тилининг алифбосидан баҳравар бўлмишдур”[1.420-421].

Пўлотжон домланинг бу ва бошқа маълумотларида бирмунча фактик хатолар бўлишига қарамай, Ибрат ҳаётини ўрганишда муҳим ва ноёб манба ҳисобланади.

Пўлотжон домла Ибратнинг отаси Жунайдуллохон тўра тўғрисида бирор калима маълумот бермайди. Аммо Жунайдуллохон тўранинг отаси, Ибратнинг бобосини тилга олганида, унинг “Афсус” тахаллуси билан ижод қилганини айтади.

Ибрат, модомики, “Афсус” тахаллусли шоирнинг набираси экан, Пўлотжон домланинг шу шахс ҳақидаги маълумоти билан танишиш айна муддаодир: “Бу шоир, - деб ёзади Пўлотжон домла, - Жиззах шаҳридан бўлуб, Хўқандга 19-

Н.Каримов – ЎзРФА академиги.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

асрнинг 1-ярмида келмишдур. Номи Тўраҳон маҳдум бўлуб, ҳурматга сазовор аристократлардандур. Хоннинг (яъни Умархоннинг – Н.К.) аъёнларидандур. Нимагадурки, шунчалик ҳурматга эга бўлуб хон атрофини ўрагани ҳолда Тўрақўрғонда қози бўлуб тургани ила шеърларда тахуллус этиб, “Афсус” ихтиёр этмишдур. Тўрақўрғонли

Исҳоқхон қози ва тахаллуси “Ибрат” ҳам Васфий Тўрақўрғоний – булар “Афсус”га набирадурлар. Авлодлари ҳозирда ҳам шундадурлар”[1.283-284].

Пўлотжон домла шу маълумот билангина кифояланиб қолмай, “Афсус”нинг Амирий ғазалига ёзган 2 та назирасини тазкирага илова қилган. “Афсус” “устина” қофияли ва:

*Тоза қилдим аҳд ғурбат бирла паймон устина,
Ноз ила айдики, ёлгон дема, ёлгон устина*

байти билан бошланган ғазали бундай мисралар билан якунланади:

*Ўз диёридан адашган бир ғариб Афсусдир,
Чуғз бевайрона янглиғ Тўра Қўрғон устина.*

Бу сўнги байтнинг илк мисраси бизни ўйлантириб қўяди. Шоир “ўз диёри” деб Жиззахни айтмоқдами ёки бошқа шаҳарни, ҳаттоки бошқа юртимми? Афсуски, манбалардан бу саволга ҳозирча жавоб топа олмаймиз. Ҳар ҳолда шу нарса аён бўладики, Ибратнинг бобоси Тўраҳон маҳдум Тўрақўрғонда “ўз диёри”ни тарк этгани ёки тарк этишга мажбур бўлганидан афсусланиб яшаган ва шу боис ўзига “Афсус” тахаллусини олган.

Пўлотжон домла юқорида келтирилган сўзларида Тўраҳон маҳдумнинг яна бир набирасини тилга олиб, унинг номини “Васфий” деб атаган ва у ҳақида қуйидаги маълумотни берган: “Бу киши Тўрақўрғонда 1862 йилда уламо оиласида дунёга келмиш. Номи Мулла Жалолхондур. Бу киши ҳам шоир Афсуснинг набираларидан бири бўлуб, Исҳоқхон тўрага амакибачча бўладур. Қозихоналарда муфтий ва аълам бўлуб хизмати илмияда бўлмишдур. 1930 йилда 68 ёшинда шул Тўрақўрғонда вафот этмишдур”[1.421-422].

Пўлотжон домла тазкирада “Васфий”нинг “Биёбони тахайюрда қолибман волаи шайдо” мисраси билан бошланган ғазалини келтирган бўлса-да, бу “оҳ-воҳ” билан тўла ғазалнинг Тўраҳон маҳдумнинг невараси бўлмиш “Васфий”га мансублиги бизда шубҳа уйғотади.

Мазкур тазкирада Ибратнинг Тўрақўрғонда ҳаммом, боғ, янги биноларни қургани, 1917 йили Наманган шаҳрида “литография ва типография матбааси”ни очгани, “Мажмуот ул-хутут” асарини бостиргани, хуснихат эгаси бўлиб, “руқъа, куфий, талиқ хатлари”ни хуснихат билан ёзгани, шунингдек, “турли миллат кишилари ила дўст бўлганини қайд этган. Сўнгра унинг қиёфасини бундай сўзлар билан тасвирлаган: “Уртача гавдали, бугдой рангли, қотма киши бўлуб,

камзур кияр, хушфеъл, фозил, сахий киши бўлиб, меҳмонхонаси ҳамма учун очик, шуҳрати водий бўйича машхур одам эди”[1.421].

Юқорида келтирилган маълумотларга қараганда, Исҳоқхон тўра уламо оиласида туғилган. Нафақат ўзи, отаси, балки бобоси ҳам кенг билимли, шоир табиатли, одамшинаванда, меҳридарё инсонлар бўлганлиги туфайли эл-юрт ўртасида катта ҳурмат қозонишган.

Пўлотжон домла тазкирада Ибратнинг фарзандлари тўғрисида ҳам маълумот беришни лозим топган. Тазкиранавис: “У 1936 йили 60 ёшинда Тўрақўрғонда вафот этмишдир”, деган сўзларидан кейин бундай ёзган: “Ротифхон номли кичик ўғли ҳаёт эди. Ғийёс ва Аббос номли ўғиллари (Ибратнинг Аббосхон тўра исмли ўғли шу вақтда ҳаёт бўлган – Н.К.) вафот этганлар. Суд бўлимида илмий ходим бўлиб ишловчи Ротифжондан берилган маълумотга биноан, “Фарғона тарихи” номли бир асари бор бўлган. Хатлар тарихи ва арабча-тожикча-русча-ўзбекча “Лисон ул-арбаа” номли бир асари, “Мажмуот ул хутут” ва ўз боболарининг ҳаёт тарихи, тасаввуфга доир яна бир асари бўлмишдир...”[1.422].

Пўлотжон домла шу сўзлардан кейин Ибратнинг наманганлик Нодим, қўқонлик Иброҳим Даврон, бешариқлик Ғурбат ва тошкентлик Хисрав сингари шоирлар билан алоқада бўлгани ҳақида маълумот берган.

Мазкур манбадан маълум бўлишича, “Ғурбат” тахаллусли шоирнинг асл исми Абдулла маҳдум (Абдулла Каримов) бўлиб, у Тўрақўрғонга қилган сафари вақтида Ибратнинг хонадонидида меҳмон бўлган ва шу сафар таассуротлари асосида ёзган “Саёҳатнома” асарида шу ҳақда қуйидаги сўзларни ёзган:

*Ҳожи Тўра афанди, қозийи Тўрақўрғон
Шуҳоати номларидур Исо сифат Исҳоқхон.
Гўёки бир эшондек айлаб фақирни меҳмон,*

Қодум кўруб таажжуб хоналарини ҳар ён...[2.499]

“

Тазкираи Қайюмий”да берилган шундай муълумотлар бизнинг Исҳоқхон Ибрат ҳаёти, адабий фаолияти ва муҳити тўғрисидаги тасаввуримизни бениҳоя бойитади. Ва шундай юксак тасаввур билан йўғрилган киши ўз даврининг донишмандларидан бири бўлмиш Ибратнинг бошқа тушган савдоларни кўриб, даҳшатга тушади.

Ўзбек халқининг улуғ фарзандларидан бири Исҳоқхонтўра Ибрат (Жунайдуллаев) 1937 йил 10 февралда НКВД ходимлари томонидан қамоққа олиниб, Андижон шаҳар турмасига олиб бориб ташланади. Ундан аввал, 27 январь куни Ибратнинг жигарбанди Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев (1879 йилда туғилган) шўролар дўзахига олиб кетилган эди. 7 апрелга қадар бўлган муддатда, бу ота ва боладан ташқари, Убайдулла махсум Отабой Аъламов (1880 йилда туғилган), Жабборхон Султонхонов (1908 йилда туғилган), Умарали Жумабоев (1893 йилда туғилган), Акбарали Ниёзов (1905 йилда туғилган), Деҳқонбой Сўфидўсमत (1875 йилда туғилган) ва Мутаворхон Султонхоновлар (1873 йилда туғилган) ҳам кишанбанд қилиниб, Андижон турмасига келтирилади. Улар Убайдулла махсум бошчилигида совет давлатига қарши курашган аксиланқилобий ташкилотнинг аъзолари сифатида айбланадилар.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, 1935 йили Наманган шаҳрида истиқомат қилган Мавлавийхон тўра Эшонхонтўра ўғли Қашқардан бир кишининг Наманганга келгани ва ундан яқинда японлар билан советлар ўртасида уруш бошланажаги ҳақидаги хабарни эшитганини айтган. Шу одамнинг хабар беришича, япон давлатининг ҳарбий қудрати баланд бўлгани учун совет давлати бу урушда, албатта, мағлубиятга учрайди. Яна шу кишининг айтишича, шўро давлати - халққа кўп озор берган, айниқса, бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб, ўзларини борса-келмас жойларга сургун қилган давлат. Бундан кейин ҳам бу давлатдан яхшилик кутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уруш бошланиши биланоқ Туркистоннинг шўро давлатидан жабр-зулм кўрган одамлари қўлларига қурол олиб, бошавойларга қарши курашишлари ва мустақилликка эришишлари лозим.

Тергов материалларида қайд қилинишича, Убайдулла махсум Мавлавийхон тўра орқали номаълум манбадан шундай хабар ва топшириқни олгач, Тўрақўрғонга келиб, шу топшириқни Убайдулла махсум Отабой Аъламов, Исҳоқхон Ибрат ва Тўрақўрғоннинг бошқа жабрдийда-эрксевар кишиларига етказди. Шўро

давлатининг ички сиёсатидан норози бўлган тўрақўрғонликлар бошчилигида кичик-кичик гуруҳларни тузишга киришадилар.

Тергов материалларида яна қайд қилинишича, Убайдулла махсум билан Ибрат маҳдум ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш учун Андижоннинг Олтинқўл, Наманганнинг Кўтармачоқ сингари туманларига чиқиб кетадилар. Улар аҳоли билан бўлган учрашувларда озиқ-овқат таъминотидаги узилишларнинг асосий сабаби урушнинг яқинлашиб келаётгани ва озиқ-овқат маҳсулотларининг “оғир кунлар учун” ғамланаётгани билан боғлиқлигини айтадилар.

Булар, шубҳасиз, терговчиларнинг версияси.

Исҳоқхон Ибрат бу версиянинг, яъни ўзига қўйилган айбнинг тўхматдан иборат эканлигини айтиб, уни қанчалик рад этишга уринмасин, азбаройи қийнайверганларидан кейин ўзига қўйилган шундай айбларни тан олишга мажбур бўлган.

Яна тергов материалларидан маълум бўлишича, Убайдулла махсум Отабой Аъламов 1921-1922 йилларда кўрбоши Омон полвонни қўллаб-қувватлагани учун олий жазога ҳукм этилган ва бу ҳукм 8 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилиб, у Ярославль шаҳрида жазо муддатини ўтаган, 1930 йили эса “қулоқ” қилиниб, мол-мулки мусодара этилган, Ибрат эса 1926 йилда СССР Жиноят кодексининг 30-моддаси бўйича айбланиб, 1 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Тергов материаллари орасида Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим маълумотлар ҳам мавжуд. Тергов ҳужжатларида қайд этилишича, Ибрат араб, форс, турк, афғон, ҳинд ва рус тилларини яхши билган. 1921-1928 йилларда Чуст, Норин, Наманган туманларида қози лавозимида халққа хизмат қилган. 1926 йили ўзига қарашли ортиқча ерни сотгани учун унга 1 йиллик қамоқ жазоси берилган.

НКВД “учлиги”нинг 1937 йил 24 августда бўлиб ўтган йиғилишида тўрақўрғонлик маҳбуслар Убайдулла махсум Отабой Аъламов, Аббосхонтўра Исҳоқхон Тўраев, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев ва Дўқонбой сўфи Дўсमत олий жазога ҳукм этилади. Акбарали Ниёзов билан Мутаворхон Султонхоновга 10 йиллик қамоқ жазоси берилади. Исҳоқхон Ибрат эса “учлик”нинг йиғилишига қадар етиб келмайди. У муслмон маҳбусларни одам ўрнида кўрмаган НКВД жаллодлари қўлида, инсон зоти кўрмаган азоблардан сўнг, 1937 йил 19 августда Андижон турмасида бандаликни бажо келтиради.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

1959 йилга қадар Исҳоқхон Ибрат тақдири билан ҳеч ким қизиқмайди ва совет давлати бунга имкон ҳам бермайди.

Аммо Ибратнинг ўғли Ротибхонтўра Исҳоқтўраев 1959 йил 28 майда тегишли идораларга ариза билан мурожаат этиб, отасининг тақдири тўғрисида маълумот беришни сўрайди. У аризада отаси ҳақида мухтасар маълумот бериб унинг “Анисий” таҳаллуси билан ҳам шеърлар ёзгани; ёшлик даврида Тўрақўрғон, Наманган ва Бухорода билим олгани; Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларидан ташқари, Россиянинг кўпгина шаҳарларида ҳам бўлгани; илмий ишлар билан шуғулланиб, “Жам ул-хутут”, “Фарғона тарихи”, “Маданият тарихи” каби асарларни ёзгани ва улар Тошкентдаги Шарқ қўлёзмалар институти

“1965 й. “...” июль
Махфий
Бир нусхада

Андижон ш.

ОКГБнинг тезкор ишлар бўйича кичик вакили майор ўр. Саидовнинг оғзаки илтимосига биноан, Наманган тумани марказидаги 44-сонли мактабнинг “Ибрат” – Жунайдуллаев Исҳоқхон номи билан аталганини маълум қиламиз ва Наманган туман ижроия комитетининг 12/Х 1964 й. санали 295-сон қарори нусхасини ҳамда Ҳақимов Турсуннинг Жунайдуллаев Исҳоқхонтўра (адабий таҳаллуси “Ибрат”) ҳақидаги тушунтириш хатини юбормоқдамиз.

Айни пайтда шуни маълум қиламизки, сўнгги йилларда матбуотда “Ибрат” – Жунайдуллаев Исҳоқхон тўра ижодига бағишланган қатор мақола ва тадқиқотлар чиққан:

Масалан:

1. ЎзКП Фарғона вилоят комитети ва вилоят ижроия комитети органи “Коммуна” газетасининг 25/II 64 сониде жамоанинг “Маърифатпарвар ҳамқишлоғимиз” мақоласи.

2. Республика Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг органи – “Ўзбекистон маданияти” газетасининг 23/XI 1960 сонидеги “Исҳоқхон - маърифатпарвар олим” мақоласи. Муаллифи филология фанлари номзоди Олим Усмон.

3. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси органи - “Шарқ юлдузи” журналининг 1961 йилдаги 1 – 2-сонларидаги “Зулмат ичра нур” мақоласи. Муаллифи Олим Усмон.

4. “Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари” номли алоҳида китоб. 1962 й. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. “Рус тили ва рус адабиёти ҳомийси” бўлими.

5. “Андижанская правда” газетасининг 1964 й. 9, 12/XII сонларидаги “Дороги открыты» мақоласи. Муаллифи Якуб Гафаров ва бошқ.

Иловаси 2 қоғозда.

ЎзССР МС қошидаги ОКГБнинг Андижон вилояти ва Наманган шаҳри бўйича вакили, подполковник

(Деҳқонов)”.

Подполковник Деҳқоновнинг ушбу хатида тилга олинган Ҳақимов Турсуннинг “Тушунтириш

ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилоят бўлими архивида сақланаётганини айтган.

Ротибхонтўра Исҳоқхонтўраевнинг шу аризасидан кейин 1965 йилга қадар ҳеч бир идора ва ҳеч бир шахс Ибратнинг тақдири билан шуғулланмаган. Лекин 1965 йил июлида (куни кўрсатилмаган) ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги ОКГБнинг тезкор ишлар бўйича кичик вакили майор Саидовнинг оғзаки илтимосига кўра, мазкур идоранинг Андижон вилояти ва Наманган шаҳри бўйича вакили ОКГБ тезкор ишлар бўйича вакили подполковник Деҳқонов ЎзССР Министрлар Совети қошидаги ОКГБ бошлиғи ўринбосари, подполковник А.П. Фролов номига рус тилида қуйидаги хатни йўллаган:

**ЎзССР Министрлар Совети қошидаги
ОКГБ бошлиғи ўринбосарига**

**ЎзССР Министрлар Совети қошидаги
ОКГБнинг Андижон вилояти бўйича
бошлиғи ўринбосари ўр. А.П.Фроловга**

хати” ҳам сақланиб қолган. Исҳоқхон Ибратнинг ҳибсга олинишида қатнашган бу милиция

ходимининг “Тушунтириш хати” 1937 йилда бўлса-да, оидинлик киритиши мумкин, деган Андижонда рўй берган тарихий жиноятга бир оз ниятда уни ҳам эълон қиламиз.

“Тушунтириш хати

Менким, Ҳақимов Турсун, 1931 йилдан 1937 йилгача Андижон области Московск район милициясида инспектор бўлиб ишлаган вақтимда менга топшириқ бериладиким, Наманган район Тўрақўрғон қишлоғида турувчи Исҳоқхон Жунайдуллахон ўғли “Ибрат”ни аристон қилиб олиб келиш ҳақида топшириқ олдим.

Шундан сўнг Тўрақўрғонга келиб, раймилициядан одам олиб, Исҳоқхон Тўрани уйларига бориб, олиб келдим. Обис вақтида 2 дона катта уйда ҳар хил китоблар бўлиб, буларни ичида замонамиз шаънига ёзилган китоблар, шеърлар ҳамда “Гўзал Фарғона” шеъри, босишга тайёрланган қўлёзмалар ҳам бор экан.

Бундан ташқари, Намангандаги ҳозирги ишлатилиб турилган босмаҳонани печать ва штамплари, “Матбааи Исҳоқия” деган катта печать ҳамда Николай томонидан берилган қоғоз ёрлиқлар борлиги аниқланди.

Шундан кейин биз китобларни қолдириб штамп ва печатний ёрлиқларни олиб, ўзлари билан Шаҳрихонга олиб келдик ва область шу вақтда округ ГуПУсига топширдик. Сўнгра у кишини сўроқ вақтида Андижон турмасида вафот қилипти, деб эшитдим.

Уйларида қолган китобларни Тўрақўрғон ГуПУсидан бориб, йўқотиб юбор(иш)ган экан.

Мен 1938 йил бошларида ўз районимга қайтиб келганимда, ул кишининг боғлари ва китоблари ҳамда бошқа нарсалари йўқ бўлиб кетган экан.

Исҳоқхон Тўрани қамаш жинояти фақатгина Акмал Икромовни дўсти ва унинг шайкаси деб қама(ш)ган, бошқа жинояти йўқ. Исҳоқхон қози бир неча йил қозилик қилган бўлса ҳам, у кишида мол-дунё бўлмаган. Фақат ўша ўзлари ўтирган уй ва боғдан бошқа нарса(си) бўлмай, китоб ёзиш, шеър билан шуғулланган экан.

Шу йил апрель ойларида район партия комитетини бюросида Исҳоқхон Тўрани аҳволини ўрганиб чиқиш, район марказидаги 44-мактабга шу кишининг номи берилди. “Ибрат” номли 44-мактаб деб, тушунтириш хати берувчи,

Ҳақимов Т.

18/VI 1965”.

Исҳоқхон Ибрат ҳақидаги янги маълумотлар ҳозирча шулардан иборат.

Мустақиллик арафасида бошланган ва мустақиллик йилларида изчил давом этаётган изланишлар самараси шундан шаҳодат берадики, Исҳоқхон Ибрат нафақат Туркистондаги миллий уйғониш даврининг пешқадам намояндаларидан бири, балки маърифатпарвар шоир, серқирра тилшунос ва тарихчи олим сифатида XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда яшаган буюк алломалардан биридир.

Пўлатжон домла ўз тазкирасида Ибрат ҳақида ҳам маълумот бериб, унинг “тараққийпарвар ислохотчи”, “Оврупо маданиятидан анча баҳравар”, “Ҳаж этиш учун Ҳижозга борган ва Ҳиндистонни саёҳат эт”ган, “ҳинд тилининг алифбосидан баҳравар” киши бўлганлигини алоҳида қайд этган. Унинг ёзишича, Ибрат Тўрақўрғонда бир ҳаммом, боғ, янги бинолар барпо этган. Тазкирачининг ёзишича, у “Ҳусни хат эгаси бўлуб, руқъа, куфий, таълик хатларни ҳусни хат ила ёзар, турли миллат кишилари ила дўст бўлуб, алоқаси бўлар эди. Ўртача гавдали, бугдой рангли, қотма киши бўлуб, камзур кияр, хушфеъл, фозил, сахий киши бўлуб, меҳмонхонаси ҳамма учун очик, шуҳрати водий бўйича машҳур одам эди”.

Пўлатжон Қайюмийнинг бу самимий сўзлари ибратшунос олимларнинг тадқиқотлари ва Ибратнинг “Танланган асарлар”и билан қўшилиб, илм ва бадиият дурдоналаридан иборат муборак хазинани ташкил этади. Бу ноёб хазинанинг хазинабони букун 155 ёшга тўлган мавлоно Исҳоқхон Ибратдир.

Адабиётлар:

1. Q a y u m o v Po'lotjon Domulla. Tazkirai Qayyumiy. II kitob. – T., 1998.
2. Q a y u m o v Po'lotjon Domulla. Tazkirai Qayyumiy. III kitob. – T., 1998.

УДК: 8-1/-9+8-31

“РЎЗИ ЧОРИЕВНИНГ СЎНГИ ВАСИЯТИ”ДА БИОГРАФИК МЕТОД

Ҳ.Худоймуродова

Аннотация

Мақолада ёзувчи Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” романи таҳлилга тортилган. Унда роман-эсседаги биографик метод масаласи ёритилган.

Аннотация

В статье анализируется роман “Последнее завещание Рузы Чарыева”. В нем раскрыта проблема биографического метода в романе-эссе.

Annotation

In this article the novel of Nodir Normatov “Ruzi Choriev's last will” are analysed. In this novel -essay the problems of biographical method has been revealed.

Таянч сўз ва иборалар: роман, биографик метод, эссе, қаҳрамон, хотира.

Ключевые слова и выражения: роман, биографический метод, эссе, герой, память.

Key words and expressions: novel, biographical method, essay, hero, memory.

Жаҳон адабиётида биографик метод асосида яратилган асарлар талайгина. Француз ижодкорлари Сент Бёв ва Андрэ Моруа кабилар бу жанрда дастлабки ижод намуналарини битиб, шухрат қозонган. Айнан Сент Бёв адабиётшуносликдаги биографик методнинг илмий-назарий асосчиларидан ҳисобланади. Бу методни, Баҳодир Карим таъкидлаганидек, “таржимаи ҳолдан иборат деб содда тушунмаслик керак. Зотан, биографик метод ижодкор таржимаи ҳолининг оддий хронологик тавсиф ва таснифи эмас; ёзувчининг туғилган йили, яшаган жойи ёки муҳити, асарларининг ёзилган йили ва, ниҳоят, ижодкорнинг вафот этган йили – буларнинг бари биографик маълумотлар ҳисобланади”[1,166].

Биографик метод нима? Бу саволга жавоб топиш учун яна Б.Каримга мурожаат қиламиз: “Биографик метод эса ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, рухий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишга туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради”[1,166].

Биографик методга оид асар қисса, роман, тарихий ёки бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Автобиографик асарлар ҳам айна шу методга таянади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар”и, Ойбекнинг “Болалик” асари ва бошқалар.

Биографик асарда ҳужжатлилик, ҳаққонийлик ва ҳолислик етакчи

ҳисобланади. Унинг марказида инсон ва унинг ҳаёти туради. Одатда биографик асар қаҳрамони машҳур шахс ҳисобланади. Агар асар қаҳрамони таниш, замондош бўлса, муаллиф учун қийинчилик туғилмайди. Муаллиф учун қаҳрамонига тегишли ҳар бир деталь муҳим. Масалан, асар қаҳрамонининг мактуб, хотира, кундалик, буюмлари ва бошқалар.

Биографик асар муаллифидан, энг аввало, синчковлик, маълумотларни сохталаштиришга йўл қўймаслик, ҳолислик талаб қилинади. Ирвинг Стоуннинг мана бу фикрлари биографик қисса ҳақида бўлса ҳам, у барча биографик асарлар учун тўла мос келади: “Биографик қиссанинг муаллифи бир одам ёхуд бир гуруҳ одамлар ҳақида материаллар йиғиш устида ишлайдиган биограф бўлмоғи керак. У, бу материалларни таснифлашнинг мураккаб техникасини ўзлаштириб олмоғи, одамларнинг бошидан ўтган юз миллионлаб турли-туман ҳаётий воқеалар ичидан айна мана шу биттасини ажратиб олмоқ учун айрим олинган ҳар бир ҳолатга мос келувчи айрича услуб қўлламоғи, айрича ёзиш тарзини кашф этмоғи лозим”[2,100].

Ўзбек адабиётида биографик метод асосида яратилган асарлар ичида Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти” роман-эссеси алоҳида ажралиб туради. Н.Норматов нафақат ёзувчи, балки тасвирий ва амалий санъат бўйича кўплаб мақолалар ёзган, тадқиқотлар олиб борган санъатшунослардир. Қолаверса, муаллиф асар қаҳрамони Рўзи Чориев билан кўп ҳамсуҳбат бўлган, сафарларда унга

Ҳ.Худоймуродова – ТерДУ, тадқиқотчи.